



Маколадаги Бобурийлар даври зуллисонайн шеърятти ҳақидаги лавҳаларда келтирилган Ҳиндистон туркий ва форсийзабон адабиёти намояндалари ижодий намуналари аслида денгиздан бир томчи десак, муболаға эмас. Бизнинг бундай хулосага келишимизга “Солоржанг” фондидаги туркийзабон адабиёти мавзuidaги изланишлар вақтида учратган каталоглар мажмуи сабаб бўлди. Бордию, яна шу каталогларга Рампурдаги “Ризо”, Патнадаги “Худобахш”, Калькуттадаги “Asiatic Society – Осиё жамияти”, “Дехли миллий музейи” ва шахсий фондларга тегишли қўлёзма манбаларни қўшиб жамласак, уларнинг ададини тасаввур қилиш ҳам қийин. Айни шу нуқтаи назардан ҳеч бир шубҳасиз айтиш мумкинки, Ҳиндистонда сақланаётган қўлёзма фондлардаги асарлар, мажозан, бамисоли кўзи очилмаган бир булок.

Хулоса қилиб айтганда, умуман, “иккитиллилик санъати шеърятда фақат маҳорат мактаби бўлиб қолмай, у халқлар орасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашда ҳам катта маънавий аҳамиятга эга”¹.



АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ИЖОДИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАВСИФ

ЛАҲАСОВ ЎРОҚВОЙ

Филология фанлари номзоди, доцент, ТошДШИ

Аннотация. Ушбу мақолада буюк ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий ижодининг ўрганилиши ва ушбу масалага нисбатан турли олимларнинг муносабатлари ёритиб берилган. Адиб асарларининг қардош ва хорижий тилларга таржима қилиниши, улардаги мавжуд нуқсонлар изоҳланган. Олим Матёқуб Қўш-жоновнинг ёзувчига берган баҳоси, романлари юзасидан билдирган илмий қарашлари шарҳланган. Абдулла Қодирийнинг халқ оғзаки ижоди далилларида моҳирона фойдаланган ҳолда оҳорий ўзбек романларини яратиб, миллий романчилик мактабига асос солганлиги баён қилинган. Ўзбек адабиёти-нинг бадиийлиги, тилимизнинг бой захира қатлами, миллатимизга хос имон-эътиқод, тўғрисиқўзлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, гурур ва шиддаткорлик каби хусусиятлар таҳлил қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: Абдулла Қодирий ижоди, қардош ва хорижий тиллар, таржима, илмий қарашлари, халқ оғзаки ижоди, оҳорий ўзбек романлари, миллий романчилик мактаби, бадиийлик, тилининг захира қатлами, миллий ўзига хослик.

Аннотация. В данной статье освещены вопросы изучения творчества выдающегося узбекского писателя Абдуллы Кадири и отношения учёных к творчеству писателя, проанализированы переводы его произведений на иностранные языки, рассмотрены ошибки, допущенные при переводе. В статье прокомментированы научные воззрения узбекского ученого М. Кушжанова, его оценка произведениям выдающегося писателя. Автором также изложена мысль о том, как писатель в своих оригинальных романах мастерски использовал элементы устного народного творчества. В статье особо подчеркнуты художественное своеобразие узбекской литературы, богатые лексические ресурсы узбекского языка, национальные особенности героев писателя, их вера, доброта и порядочность, гуманизм и патриотизм, гордость за свою родину.

¹ Ўзбек адабиёти. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1959. 75-б.

Опорные слова и выражения: творчество Абдуллы Кадыри, иностранные языки, перевод, научное воззрение, устное народное творчество, оригинальный роман, национальная школа романистики, художественное своеобразие, лексические ресурсы языка, национальные особенности.

Abstract: The article deals with the issues of studying the works of the prominent Uzbek writer Abdulla Kodiri and other scholars' analysis of his works. It analyzes the translations of his works into foreign languages and mistakes in these translations. Uzbek scholar Matyakub Kushchanov's scientific views were commented on the paper, as well as, his evaluation of the works of prominent writer. Also, there is an interpretation of the idea how the writer skilfully used the elements of verbal folk art in his original novels. The paper considers literal peculiarities of Uzbek literature, rich Uzbek vocabulary resources, national peculiarity of writer's characters, their faith, kindness and purity, humanism and patriotism, proud of their Motherland.

Keywords and expressions: works of Abdulla Kodiri, foreign languages translation, scientific idea, verbal folk art, original novel, national school of romanism, artistic originality, vocabulary resources of the language, national peculiarities.

Буюк ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий ижодини ўрганиш XX асрнинг 20-йилларидан бошланди. Мазкур жараёнга хассос ўзбек адибининг ноёб талантига қойил қолиш ва унга тан бериш мақсадида эмас, балки бу улуғ инсонни, истеъдодли ёзувчини бадном қилиш ниятида қўл урилди. Мазкур кимсалар ўзларининг қора ниятларига ҳам эришдилар. Халқимиз таъбири билан айтганда, ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди. Қизил империянинг дохийларидан бири Сталин вафотидан кейин катагон қурбонларининг номи ва асарлари оқлана бошлади. Шундан сўнггина ўзбек адабиётшунослари Абдулла Қодирий ижоди ҳақида илиқ фикрларни айтишга журъат эта олдилар¹. Ёзувчининг асарлари қайта чоп этила бошланди, аммо улардаги миллат раънақи учун ўзаро жипсликка ва миллий мустақилликка чорловчи жойлари олиб ташланган эди. “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” тарихий романлари ва “Обид кетмон” қиссасининг рус тилига, қардош ва хорижий тилларга таржима қилиниши билан Абдулла Қодирий ихлосмандларининг доираси кенгайди. Ўз навбатида, адибнинг ижодига қизиқиш яна ҳам ортиб борди². Лекин ачинарлиси, бу таржималарда ёзувчининг миллатпарварлик руҳида куюнчақлик билан ёзган шох сатрлари ўз аксини топмади. Шўро даври ўзбек олимлари

томонидан Абдулла Қодирий ижоди ва асарларининг кўп жиҳатларига муносабат билдирилди ва ўрганилди. Кўпгина олимлар М. Қўшжонов, Л. Қаюмов, Ҳ. Абдусаматов, С. Мирвалиев, А. Алиев, Б. Имомов, У. Норматов, А. Қулжонов, Ш. Турдиев, Ф. Насриддинов ва бошқа адабиётшуносларнинг адиб ижодига бағишланган мақолалари, рисоалари юзага келди³. Мазкур илмий тадқиқотлар қайси даврда ва ким томонидан ёзилганлигига кўра ҳам кескин фарқланади. Мустақиллик даврида адибнинг асарлари муаллиф ёзган асл нусхага мос ҳолда тўлиқ шаклда нашр этилди. Унинг асарлари ҳақидаги янгича илмий таҳлиллар М. Қўшжонов, О. Собиров, Ҳ. Қодирий, И. Ғаниев, У. Норматов, С. Мирвалиев ва Б. Карим каби адабиётшунослар томонидан баён қилинди.

Ўзбек деганда ҳаёлимда биринчи галда Абдулла Қодирий сиймоси гавдаланади. Шу боисдан бўлса керак, унинг асарларида соф ўзбек ҳаёти, ўзбек руҳи, унинг маънавияти ўз ифодасини топган⁴. Бу хассос ёзувчимизга Матёқуб Қўшжонов томонидан берилган энг муносиб таъриф эди. Адабиётшунос олим ўзининг мўъжазгина рисоласида Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, яъни илк романидаги характер яратиш, сирли баён қилиш, қаҳрамонни оғир вазиятга солиш, тугунлар бирлиги, кескин ўзгариш, тесқари ўзгариш,

¹ Султон И. Ёзувчи Абдулла Қодирий ҳақида. “Қизил Ўзбекистон”, 1956 йил 28 октябрь сони.

² Мирзаев И. Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси. – Т.: Фан, 1977. 5-б.

³ Ўша манба. 5-б.

⁴ Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги (“Қодирийга армуғон”). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ меъроси, 1994. 3-б.

совуққонлик билан кузатиш, ўзгача йўл тутиш, тугунларни эстетик ва реалистик, антитеза йўли билан ечиш, инсоний гўзаллик, зиддият туғдирувчи кучлар, тасвир ихчамлиги, психологик картина, оғир вазиятлар ва воқеалар ривожини тайёрлаш, ғоявий бирлик, алангалар исканжасига олиш ва ишонарли тасвир маҳоратини далиллар асосида очиб берган. М. Қўшжонов ёзувчининг иккинчи романи “Меҳробдан чаён” ҳақида фикр билдирар экан, мазкур асарнинг “Ўткан кунлар” романидан фарқли жихатларини очишга астойдил киришади. Роман қаҳрамонларининг характериға мос бўлган ажойиб сарлавҳани шакллантирди: “Йигитларнинг сараси, гулларнинг раъноси”¹. Адабиётшунос ушбу асарнинг биринчи романидан сўнг ёзувчига нисбатан отилган маломат тошларига жавоб тарзида ёзилганлигини кенг камровда изоҳлаб берди. Адибнинг ҳаётий мантиқ асосида қаҳрамонларига мос, айрича характерларни, ўзгача жихатларни излаб топганлигини шарҳлайди². Жумладан, Солиҳ Маҳдумдаги зикналик, Анвардаги ўта камтарлик, Раънодаги шаддодлик, Нигор ойимдаги муросасозлик ва бошқалар. Бунинг натижасида ёзувчи маълум бир тимсол (образ) воситасида конфликт тугунини яратганлигини айтади, бундай шахсларға Солиҳ Маҳдум, Абдурахмон домлаларни мисол келтириш мумкин³лигини баён қилади. Ёзувчининг китобхонға ҳавола қилган кейинги тугуни Қўқон хонлиги давридаги сарой аҳли, хусусан, Худоёрхоннинг хотин-қизларға муносабатидир⁴ деб ёрқинлаштиради адабиётшунос. Адиб ҳаётнинг бу томонини тўлароқ кўрсатиш учун танланган Гулшанбону образи орқали хон саройи ва ҳарам билан⁵ таништиради ва шу тасвирнинг ўзи ҳам қўйилган мақсадни очиб

беришға хизмат қилган. Шундан сўнг жасоратли ва дадил қиз Раъно образи эркак либосини кийиб, ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашган, ҳатто ватанни ҳимоя қилган, халқ манфаати йўлида от миниб қилич тортган ва қаҳрамонлик кўрсатган⁶ аёлларимизнинг тимсолларидан руҳланиб яратилганлиги таъкидланган. Ёзувчи бу романида ҳам воқеаларнинг кутилмаган, кескин бурилишларидан фойдаланган. У кескин вазиятларни юзаға келтиради, қаҳрамонларнинг ҳаётини таҳликада қолдиради. Адиб оғир вазиятлар орқали образларнинг асосий хислат ва қирраларини босқичма-босқич очиб боради. Қодирий ўз романида натуралистик деталларни ҳам ишлатганлиги баён қилинади. Адабиётшунос ёзувчи ишлатган кескин бурилишларға икки жихатдан баҳо берган. Бу ҳолат, бир томондан, халқ оғзаки ижодининг таъсири бўлса, иккинчи томондан, Абдулла Қодирийға хос ижодий приём эканлиги айтилган⁷. Мустақиллик даврида адиб ижодини ўрганишға қизиқиш ортиб борди ва ёзувчининг иккинчи романи поэтикаси ҳақида номзодлик иши ҳимоя қилинди⁸. Шунини айтиш жоизки, Абдулла Қодирий халқ оғзаки ижодидаги далиллардан моҳирона фойдалангани учун оҳорий ўзбек романларини яратиб, миллий романчилик мактабига асос солди. Акс ҳолда у ҳам бошқа Шарқ романнавис адиблари каби Ғарб адабиётиға ўхшатма асар яратган бўлар эди. М. Қўшжонов “Меҳробдан чаён” романини таҳлил қилар экан, ёзувчининг илмоқли образлар, боғловчи воқеалардан фойдаланганлигини эътироф этади⁹. Асардаги бошқа ҳар бир образ бош қаҳрамонларға тегишли баъзи маълумотларни бир-бириға боғлаш, айрим жойларда бош қаҳрамонлар характерини типиклаштиришда ёрдамчи вазифаларни бажарганлигини тав-

¹ Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги (“Қодирийға армуғон”). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ меъроси, 1994. 70-б.

² Ўша манба. 70-б.

³ Ўша манба. 71–73-бетлар.

⁴ Ўша манба. 78-б.

⁵ Ўша манба. 79-б.

⁶ Ўша манба. 88-б.

⁷ Ўша манба. 96-б.

⁸ Қаҳрамонов А. Я. “Меҳробдан чаён” романи поэтикаси” номли диссертацияси автореферати. – Т., 2000.

⁹ Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги (“Қодирийға армуғон”). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ меъроси, 1994. 96–97-бетлар.

сифлайди. Айниқса, бу ҳолатлар Қобилбой ва унинг дўстлари, Сафар бўзчи, канизак Нозик, хоннинг қизиқчилари тимсолларида мужассамлиги айтиб ўтилган. Адабиётшунос олим асар охиридаги эпилог ечимдаги юксак маънони ифодалаганлигини қайд этади¹. Олим ҳар икки романнинг фожиали якуни, Анварнинг исёнкор эмас, балки мурасозлигини очар экан, ўзбегимга хос яна бир янги қиёфа акс этганлигини таъкидлайди. М. Қўшжонов адиб маънавиятининг мустақилликка хизмат қилишини шарҳлар экан, романдаги миллийлик, миллий руҳнинг акс этиши Абдулла Қодирийга хос фазилат эканлигини очиб беради². Бу буюк фазилат замирида шарқона ўзбек руҳияти барқ уриб турганлиги кашф этилган. Адиб одамийликнинг юксак маданият талабидан келиб чиқадиган ақидаларига асосланган ҳолда ўзбекни, яъни ўқузбек (азбек)ни том маънодаги ўзбек қилиб тасвирлаганлиги таҳсинга лойиқдир. Ҳассос санъаткор яратган образлар ўзбекларни ярим аср давомида “саводсиз, маданиятсиз” деганларнинг фикрини ер билан яксон қилган эди. Бунга чидай олмаган миллатчи шовинистлар ўз мақоаларида Абдулла Қодирийни кескин танқид остига олдилар. Бу шовинистик муносабатдан қатъи назар, Абдулла Қодирий ижодида Шарқ руҳи, ўзбек руҳи барқ уриб турар эди³. Адиб асарларида ижод қилинган барча образлар мукамал даражада ишланган.

Ёзувчи халқимизнинг илғор вакиллари образларини яратар экан, уларнинг маданий савияси, ахлоқий сифатларига диққатини қаратди. У асарларига фақат ўзбекларгагина хос миллий сўзлашув нутқини олиб кирди. Унда ўзбекона юксак маданият ўз аксини топган, табақаланиш юқори даражага етган жамиятда ҳам ўзбекларнинг муомала маданияти ўзгармаган. Ёзувчи халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиётимиз ва жаҳон адаби-

ётини яхши ўргангани боис образ яратишда ўзбекона услубни топди. Энг муҳими, ўзбекни ўзбек қилиб кўрсатди⁴. Адиб ўз асарлари қаҳрамонларига ном танлар экан, уларни исми жисмига мос шаклда воқеалар тизимида сингдириб юборди. Уларнинг сурат ва сийратида миллий маданият барқ уриб туради. Бу ҳолат ота-она ва фарзандлар ўртасидаги маданиятли муносабатда ёрқин намоён бўлган. Бу билан Абдулла Қодирий мустамлакачиларнинг ҳар хил асоссиз ва сохта даъволарига қакшатқич зарба берди. Бундан эсанкираган М. Швердин “За партию” журналининг 3-сонида “Первый узбекский роман”⁵ мақоласини эълон қилди. Шундан сўнг Абдулла Қодирийни қораловчи ғаламисларга йўл очилиб, турли тухмат ва бўҳтонлардан иборат мақола ҳамда китоблар пайдо бўлди. Лекин, адибнинг номини ва асарларини бадном қила олмадилар. Ёзувчининг асарларида драматик ўринлар бисёр. Қодирий асарларида воқеаларнинг янада ёрқинроқ тус олишига мактублар катта ёрдам берган. Мактубларнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича ўзбек тилшунослигида номзодлик диссертацияси⁶ химоя қилинди. Мазкур хатлар эса ўша даврдаги зиёлиларнинг савияси ва билим даражасини белгилайди. Ёзувчи романларидаги қаҳрамонлар нутқида ўзбекона муомала маданиятининг икки шакли, яъни имо-ишорали нигоҳ ва жозиба-ли мисралардан унумли фойдаланган. Адиб ўша давр қизил империя мафкурасига қарама-қарши тарзда ҳақиқат мезони бўлган умуминсонийлик мафкураси⁷ни китобхоннинг эътиборига ҳавола қилди. Умумбашарий мафкура, яъни миллат ҳамда табақалар орасидаги бағрикенглик туркий халқ-

¹ Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги (“Қодирийга армуғон”). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ меъроси, 1994. 113-б.

² Ўша манба. 114-б.

³ Ўша манба. 114-б.

⁴ Ўша манба. 115-б.

⁵ Ўша манба. 116-б.

⁶ Чориева З. Т. “Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари” номли диссертацияси автореферати. – Т., 2006.

⁷ Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги (“Қодирийга армуғон”). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ меъроси, 1994. 120-б.

ларда қадимдан мавжуд бўлган. Бунинг исботини қаҳрамонлик эпосларидан, халқ оғзаки ижодига оид асарлардан топишимиз мумкин. Мумтоз адабиётимизда эса Алишер Навоий асарларида олий мақомда тасвирланган. Шу боис Абдулла Қодирий қаҳрамонларининг руҳий юксаклигини Алишер Навоий қаҳрамонларига қиёслаш ўринли бўлар эди¹. Икки улуғ аллома қайта умр бағишлаган ўзбекларгагина хос миллий мафкура мустақилликнинг пойдевори эди. Мазкур мафкура мустақилликка бориш йўлимизни ёритган йўлчи юлдуз бўлди. Бу ҳақиқат ҳаётимизда ўз аксини топди ва ушбу мафкура мустақил давлатимизнинг бош сиёсатига айланди.

Абдулла Қодирий романлари ўзбек адабиётини бадиийлик жиҳатдан юқори чўққига олиб чиқди. Бу шунчалик оғир ва машаққатли йўлки, ҳали бирор ўзбек ёзувчисига насиб қилган эмас. Чунки бу Аллоҳ томонидан Абдулла Қодирийгагина берилган неъматдир. У ўз идеалларини юксак бадиий шаклда ифода қила олган ёзувчи²дир. Адиб битган ҳар бир сатр бадиий жозиблага эга. Улардан миллий тилнинг бадиий қудрати уфуриб туради. Сўз устаси узоқ қидириб, ўйлаб, мушоҳада юритиб топган ифодалар оҳанграбоси китобхонни мафтун қилади, сеҳрлайди ва ўз измига солади. Ирмоқлар сойларга тушиб катта дарёга айланади, жўшқин сойлардан ташкил топган бу азим дарё ўзининг дастлабки ирмоқлик пайтларига сира ўхшамайди; таги – қудратли оқим, сатҳи – сокин³. Мазкур ҳолат асар тугагандан сўнг ҳам бир қанча вақт китобхонни тарк этмайди, унинг ўй-фикрини банд этиб тураверади.

Қодирий асарларидаги сеҳрли жозибанинг омилларидан бири унинг тилидир⁴. Адиб ўзи асар ёзиш учун пойдевор бўла-

диган манба қидирган пайтда ўзбек халқига тегишли бўлган жозибадор, маданий ва гўзал тил шаклини ҳам излади. Манбани халқ оғзаки ижодидан топган бўлса, бундай тил шаклини адабий тилимизга асос бўлган учалла лаҳжаларимиз ва уларнинг захираси ҳисобланган шеваларимиздан излади ва топишга муяссар бўлди. Шу аснода барча шеваларимиз адабий тил учун битмас-туганмас хазина эканлигига амин бўлган ҳолда буни амалда исботлади. У шева мулки ҳисобланган жуда кўп лексик бирликларимизни адабий тилга олиб кирди. Ҳолбуки, адабий тилда уларнинг ўрни бўш эди, ана шу бўшлиқни тўлдиришда ҳам Абдулла Қодирийнинг хизмати бекиёсдир. Ундаги сўз танлаш жараёни худди рассом сурат учун ранг танлаши мисоли ёрқин акс этган. Буни адибнинг асарларини ўқиётган пайтда ҳис қиласиз. Ёзувчи ўзбекона содда сўзлашув тарзини романларига олиб кириб, асарлари тилининг жонли ва ҳаётлигини таъминлади.

Абдулла Қодирий ижод масъулиятини чуқур англаган ёзувчи⁵дир. Адиб ўта даражада синчков ва ҳақиқатни илоҳий даражада англаган шахс эди. У Қўқон ва Марғилонга борган пайтида асарда тасвирланиши зарур бўлган жойлар, кўчалар ва уйларнинг қурилиш шаклини ўз кўзи билан кўрди. Ҳаётий далилларни шахсан ўзи гувоҳлар иштирокида текшириб, ростлигига амин бўлганидан сўнггина ундан фойдаланган. Ўз навбатида, яратмоқчи бўлган образларининг прототипларини учратиши асосида шу шахслар асосида турмушда ҳаёт кечириши мумкин инсонлар тимсолларини жонлантирган.

Ислом динига оид манбаларга асосланадиган бўлсак, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) оғир табиатли, вазмин, ўта мулоҳазали, фикри теран инсон бўлганлар. Ул зот инсонларнинг гултожи, улуғликда инсонлар

¹ Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги (“Қодирийга армуғон”). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ меъроси, 1994. 121-б.

² Ўша манба. 122-б.

³ Ўша манба. 122-б.

⁴ Ўша манба. 123-б.

⁵ Ўша манба. 124-б.

орасидаги такрорланмайдигани ва бекиёсидир. Аллоҳ мазкур хислатлардан кимгадир озгина юктирган бўлса, ул инсон ҳам расули акрам (с.а.в.)нинг баъзи сифатларини ўзида мужассам этган шахс ҳисобланади. Абдулла Қодирийни ҳам ақл ва мулоҳаза бобида ана шундай кишилар сирасига қўшсак, адашмаган бўламиз. Абдулла Қодирий табиатан оғир, вазмин, ҳар бир ишга чуқур мулоҳаза билан қарайдиган одам бўлган¹. Адиб яхши ва маданиятли оилада тарбия олган, мактаб, мадраса таълимини кўрган, бундан ташқари, Адабиёт институтида замонавий таълимдан баҳраманд бўлган. Абдулла Қодирий, ўз навбатида, исломий фарзларни қўлдан келганча бажарган ва амал қилган киши эди. Шу сабабдан ўзи ёзган ҳаётий ҳодисалар инсонлар учун фойдали эканлигини чин дилдан ҳис қилган ва уларнинг ҳар жиҳатдан асосли ҳамда тўғрилигига амин бўлган. Уни айблашга ҳаракат қилиб танқид қилган мунаққид Сотти Хусайннинг асоссиз даъволарига ҳам босиқлик билан унга хайрихошлик шаклида жавоб берган, нотўғри далилларини ҳам ниҳоятда эҳтиёткорлик билан шарҳлаган. Айрим ўринларда Сотти Хусайннинг камчиликларини унинг “ёшлигига, тажрибасизлигига ҳавола” қилади². Бундан шу нарсани кўриш мумкинки, адиб ўзига ва асарларига қилинган таҳдидга нисбатан ҳам улуғворлик, олижаноблик мезонлари асосида муносабат билдирган ҳолда ўзи битган асарларига ишонч ва мустаҳкам эътиқод билан қараган.

Абдулла Қодирий ниҳоятда эҳтиросли адиб бўлган³. Агар у киши шундай хислатга эга шахс бўлмаганда воқеаларни бу даражада жозибали ва таъсирли баён қила олмаган бўлар эди. Бу истисно Қодирийга Аллоҳ томо-

нидан юктирилган, у эса ҳар бир сўзга ўзининг қалб кўрини қўшган ҳолда битган. Шу боис адиб бирор воқеани ижод қилар экан, зарур бўлса ўзи кулган, кези келганда эса ўзи йиғлаган. Ёзганларидан ўзи таъсирлана олган ёзувчигина бошқаларнинг руҳиятини жунбушга келтира олади. Бу ҳолат Абдулла Қодирийнинг имон-эътиқодли, тўғрисўз, инсонпарвар ва ватанпарвар инсонлигидан далолат беради. Адибнинг барча шахсий фазилатлари мустақил Ватанимиз ёшларига ўрнак бўла олади. Барча ёшларимиз улуғ ва беназир адимиз Абдулла Қодирийдек Ватан учун ўз жонидан кеча оладиган, имон-эътиқодли, тўғрисўз, инсонпарвар ва болажон бўлишлари лозим. Шундагина улар мустақил юртимизга лойиқ фарзанд бўла оладилар.

Абдулла Қодирий ўз романлари билан ўзбек миллий романчилигига асос солди. Унинг романлари Ўрта Осиёда мазкур жанрнинг илк ва мукамал намуналари бўлди. Шу боис қардош халқлар ёзувчиларидан кўпчилиги Абдулла Қодирийни ўзларига устоз деб биладилар. Қозоқ ёзувчиси Мухтор Аvezов, туркман адиблари Берди Кербоев, Хидир Деряев, тожик ёзувчиси Жалол Икромийларнинг улуғ ўзбек романаписи ҳақида илиқ фикрлари бор. Абдулла Қодирий ўзбек ёзувчиларидан Саид Аҳмад, Шўхрат, Мирмуҳсин, Мирзакалон Исмоилий, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров ва Тоҳир Малик каби қалам соҳибларига ҳам ғойибона устоз саналади.

Абдулла Қодирий ўз даврида ҳажвий асарлар ёзиш бўйича қирол даражасига эришган. Ўзбек адабиётида Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва Саид Аҳмадлар ундан ўрганиб, шу соҳада қалам тебратишган. Улар адиб тамал тошини қўйган юксак даражадаги сатира ва фелъетонларидан баҳра олиб, мазкур жанрни ривожлантирдилар.

Абдулла Қодирий ижод қилган образлар китобхонни ўзига ром қилади. Ёзувчи ижод қилган образлар катта-кичиклигидан қатъи назар ишонарли тарзда яратилган. Адиб ин-

¹ Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги (“Қодирийга армуғон”). — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ меъроси, 1994. 124-б.

² Ўша манба. 124-б.

³ Ўша манба. 124-б.




сон феъл-атворида мавжуд барча жиҳатларни қамраб олишга ҳаракат қилган ва бунинг учун эса ҳеч ҳам эринмасдан меҳнат қилган.

Абдулла Қодирий халқ маиший ҳаётини яхши биладиган санъаткор¹ бўлгани боис, миллатимизга ва руҳиятига алоқадор жуда майда урф-одатларнинг икир-чикиригача баён қилишга ҳаракат қилган ва буни уддалаган. Адиб ўша урф-одатларнинг миллатимиз ҳаётидаги ижобий ва салбий жиҳатларини ҳам эътибордан қочирмаган ҳамда уларга муносабат билдиришни китобхонга ҳавола қилган жойлари ҳам мавжуд.

Абдулла Қодирийнинг романлари кўпроқ шиддат билан тараққий этадиган сюжетлар асосида яратилган². Чунки миллатимиз учун энг зарур ва ривожлантиришимиз зарур бўлган жиҳат ҳам ана шудир. Бизнинг халқимиз анчайин оғир табиатли, маданиятли ва мулоҳазакор миллатдир. XX аср бошларида дунёдаги ўзгаришлар қарор қабул қилишда ҳам, бирор воқеага муносабат билдиришда ҳам шиддаткорликни талаб эта бошлади. Адиб ўз асарларида давр фарзанди сифатида миллатимиз учун зарур бўлган ана шу шиддаткорлик хислатининг сиёсий аҳамиятини ҳам очиқ берган. Миллатимизнинг шундай хислатга эга бўлган мард ўзбек ўғлони, ҳурматли Биринчи Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистонни мустақиллик сари бошлаб, давлатимиз мустақиллигига асос солдилар.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, Абдулла Қодирийнинг умрбоқий романлари халқимизнинг қалбидан чуқур жой эгаллади. Адиб яратган қаҳрамонлар ўзбек миллатига гурур ва рағбат бахш этди. Халқимизни мустақил давлат қуришдек улуғ йўл сари етаклади, натижада бош ва улуғ мақсадимиз амалга ошди.



¹ Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги (“Қодирийга армуғон”). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ меъроси, 1994. 131-б.

² Ўша манба. 132-б.